

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМУРАТОВА ГЎЗАЛ МУРАДОВНА**

**ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА  
МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТАРМОҒИНИНГ ЭКСПОРТ  
ИМКОНИАТЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.04-“Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Холмуратова Гўзал Мурадовна**

Халқаро стандартлар асосида мева-сабзавотчилик тармоғининг экспорт имкониятларини ошириш йўналишлари.....

**Холмуратова Гўзал Мурадовна**

Направления повышения экспортных возможностей плодоовощной отрасли на основе международных стандартов .....

**Kholmuratova Guzal Muradovna**

Directions for increasing export opportunities of the fruit and vegetable industry based on international standards .....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works.....**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМУРАТОВА ГЎЗАЛ МУРАДОВНА**

**ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА  
МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТАРМОҒИНИНГ ЭКСПОРТ  
ИМКОНИАТЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.04-“Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025 йил**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.1.PhD/Iqt4914-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Султанов Баходир Файзуллаевич,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Қодиров Абдирашид Мажидович,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Эшматов Сирожиддин Келдиярович,**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 й. “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Фалсафа доктори (PhD) диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй.Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2025 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Қ.А.Чариев,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**И.О.Юнусов,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Н.С.Хушматов,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Халқаро стандарт талаблари асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифат жиҳатдан баҳолаш ва сертификациялаш яшил иқтисодиётга ўтишнинг муҳим иқтисодий-ижтимоий тамойил ва механизмларини жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви талабларига мос такомиллаштириш ва жорий этишни объектив заруратга айлантормоқда. Зеро, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини барқарор таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, мева-сабзавотлар экспорти имкониятларини ошириш йўналишларини асослаш дунё бозорларида рақобатларнинг кучайиши, халқаро савдо муносабатларининг мураккаблашиши, шунингдек, табиий ресурсларнинг чекланиши, иқлим ўзгариши ва сиёсий-экологик инқирозлар шароитида янада кескин тус олмақда. Аммо, аҳоли жами озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолида мева-сабзавотлар улушининг ўсиш тенденцияси таъсирида "... охириги 20 йил давомида дунё бўйича мева-сабзавот маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳажми йилига ўртача 5-7 фоизга ортиб бормоқда"<sup>1</sup>. Ушбу ҳолат тармоқни барқарор ривожлантириш асосида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан нафақат миқдор жиҳатдан, балки сифат жиҳатдан ҳам таъминлаш вазифасини қўймоқда. Шу боис, иқтисодий тараққий этган давлатларда қишлоқ хўжалиги тармоғини барқарор ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга ошириш механизмларини жорий этиш, хусусан, маҳсулотлар етиштиришда сифат омилига алоҳида урғу берилиб, ушбу тармоқ рақобатбардошлигини ошириш муаммоларини тадқиқ этишга устувор даражада эътибор қаратилмоқда.

Шу боис, сўнгги йилларда яшил иқтисодиётга ўтиш, инновацион усул ва технологиялар жорий этиш талаб этилаётган ҳозирги кунда дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва муассасалари томонидан қишлоқ хўжалигида сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш ва рақамлаштириш муаммолари устида диққатга сазовор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини глобал иқлим ўзгаришига мос ташкил этиш, маҳсулотлар нобудгарчилиги ва харажатларини камайтириш, биохилма-хилликни сақлаш, инновацион технологиялар жорий этиш асосида тоборо чекланаётган ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, атроф-муҳитни асраш, халқаро стандартлар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва рақобатбардошлигини баҳолаш усул ва техник воситаларини такомиллаштириш каби масалаларга бағишланган тадқиқотлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалигини яшил иқтисодиёт талабларига мос барқарор ривожлантириш ва органик маҳсулотлар етиштириш кўламини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган таркибий ислохотлар билан бир қаторда тармоқнинг экспорт салоҳиятини ошириш, географиясини кенгайтириш

---

<sup>1</sup> Повышение производственного и экспортного потенциала плодоовощной отрасли Узбекистана: проблемы и перспективы Аналитический доклад – 2016/09. Центра экономических исследований и ПРООН.

масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу жараён ўз навбатида қишлоқ хўжалигида халқаро сифат стандартларини жорий этиш тизимини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқариши билан бир қаторда мамлака-тимизнинг ЖСТга аъзо бўлиш босқич ва тадбирлари амалга оширилаётган ҳозирги шароитда маҳаллий ишлаб чиқарувчи субъектлар ҳамда экспортёрлар рақобатбардошлигини таъминлаш имконини яратувчи ташкилий-иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш ва самарали жорий этишни тақозо этади. Демак, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, бугунги кунда “агар маҳсулот халқаро сертификатга эга бўлмаса, у ҳеч қачон рақобатбардош бўла олмайди. Мамла-катда ҳар бир тадбиркор стандартни билиши, таниши керак, шундай муҳит яратиш зарур”<sup>2</sup>. Шу зарурият жиҳатдан ҳам, қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар экспорт салоҳиятини халқаро стандарт шартлари асосида ошириш йўналиш-ларини тадқиқ этиш тармоқни барқарор ривожлантиришнинг долзарб масала-ларидан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 18 майдаги ПФ-5995-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 ноябрдаги 729-сон “Органик маҳсулотлар ва хом-ашёлар ҳамда органик-минерал ўғитларнинг хавфсизлигига доир айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2021 йил 22 январдаги 33-сон “Органик ер майдонларига белги ва кўрсаткичлар ўрнатиш шакли ва тартиби тўғрисида”ги, 2021 йил 23 февралдаги 96-сон “Органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги, 2020 йил 31 декабрдаги 826-сон “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат-ларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш, маҳсулотлар сифатини бошқариш йўналишларида бир қатор хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан етарли даражада тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, улар рўйхатига хорижий олимлардан Ф.Котлер, William Edwards Deming, Джон Коттер, Томас Фридман, Д.Андерсон, О.Волков<sup>3</sup>, мамлакатимиз олимларидан

<sup>2</sup> Шавкат Мирзиёев. Корхоналарда халқаро стандартлар манзилли жорий қилинади. 2020 йил 28 сентябрь. <https://president.uz/uz/lists/view/3857>

<sup>3</sup> Ф.Котлер. Основы маркетинга. Краткий курс — Москва. Издательский дом “Вильямс”, 2007 – 656 с.; William Edwards Deming. Quality, Productivity, and Competitive Position” (Качества продукции). Издатель Massachusetts

эса У.С.Мухиддинова, Қ.А.Чариев, Н.С.Хушматов, Ф.Ҳ.Назарова, О.Г.Дилмуродов, С.Т.Искандаров, Ш.Муродов, С.К.Эшматов, М.У.Ачилов ва У.З.Алимов<sup>4</sup> кабиларни киритиш мумкин. Мамлакатимизда халқаро сифат стандартларини жорий этиш асосида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш йўналишида М.И.Рахимова, Ж.О.Имомов ва Д.Батырова<sup>5</sup>лар эътиборга молик тадқиқотлар олиб боришган.

Дунё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон шароитида аҳоли томонидан кўп истеъмол қилинадиган, инсон организми учун зарур микроэлементларга бой ва йирик ҳажмда экспорт қилиш имкониятлари мавжуд мева-сабзавотчилик маҳсулотларини халқаро стандартлар асосида баҳолаш ва сертификациялаш масалалари бўйича ишлаб чиқарувчи ҳамда экспортёрлар билим ва малакаларини ошириш муаммоларини ҳал этиш мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлиш шароитида янада долзарб бўлди. Айнан шу ҳолатлар мазкур диссертация мавзусининг танланишига асос бўлиб хизмат қилди.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** халқаро стандартларни жорий этиш асосида мева-сабзавотчилик тармоғи экспорт имкониятларини ошириш йўналишлари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича халқаро стандартларнинг асосий тамойил ва шартлари, ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва объектив заруриятини назарий жиҳатдан асослаш;

---

Institute of Technology, Center for Advanced Engineering Study, 1982. Владелец оригинала: Мичиганский университет, 7 авг. 2009 г., 373 с.; Джон Коттер. Впереди перемен. А.Успенский., 2019 г. 215 с.; Томас Фридман. Краткая история XXI века. 2014 г., 640 с.; Д.Андерсон. Подними свой бизнес. 2005 г., – 256 с.; О.Волков, В.Скларенко. Экономика предприятия. Учебник М: ИНФРА-М, 2002., 128 стр.

<sup>4</sup> Қ.А.Чариев, Азизов Ш.Ю. Деҳқон хўжаликларида қўшилган қийматни яратиш ва оширишнинг ташкилий-иқтисодий асослари. (Монография) – Т.: “Oltin qalam nashriyoti” нашриёти. 2023. – 140 б.; Н.С.Хушматов. Мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида кооперацияни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари //“Агроиктисодиёт” – Т.: 2008., №3 – 3-7 б.; Ф.Ҳ. Назарова. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истикболлари: дисс. ... и.ф.д. – Т.: 261 б.; У.С.Мухитдинова. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари бозорини ривожлантириш йўналишлари. авт. ... дисс. и.ф.н. – Т. 2010. – 38 б.; Дилмуродов О.Г. Иқтисо-диётни эркинлаштириш шароитида мева-сабзавотчилик мажмуида маҳсулот сотишнинг логистик занжирини такомиллаштириш: дисс. ... и.ф.н.. – Т.: 2010. - 152 б.; С.Т.Искандаров. Ҳимояланган ер сабзавотчилигини ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш. авт. ... дисс. и.ф.н. – Т. 2018 – 52 б.; Ш.М. Муродов. Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатларини шакллантириш: авт... дисс. и.ф.н. – Т.: 2020. 51б.; С.К.Эшматов. Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш йўналишлари: дисс. ... и.ф.н. Т.: 2021 й. – 191 б.; М.У. Ачилов. Мева-сабзавотчилик тармоғини модернизациялашнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш: дисс. ... и.ф.н. Т.: 2022 й. – 147 б.; У.З. Алимов. Полиз маҳсулотларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари: дисс. ... и.ф.н. Т.: 2023 й. – 168 б.

<sup>5</sup> Рахимова М.И. Тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини халқаро сифат стандарт-лари асосида ошириш: дисс. ... и.ф.н.. – Т.: 2024. – 152 б.; Имомов Ж.О. Сифат менежменти тизимини ривожлантириш асосида мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш: авт. дисс. ... и.ф.н.. – Т.: 2020.; Батырова Д. Международный стандарт Global GAP: требования для сертификации производства плодоовощной продукции/Д.Ботирова, К.Нуриддинов. – Ташкент: Bakrtia, 2017. – 32 с.

мева-сабзаёт маҳсулотлари рақобатбардошлиги ва экспортини оширишда халқаро стандартларни жорий этишнинг аҳамияти ва ушбу фаолиятни ташкиллаштириш ва баҳолашнинг услубий жиҳатларини тадқиқ этиш;

мева-сабзаёт маҳсулотлари этиштириш динамикаси ҳамда тармоқ ташқи савдо балансини баҳолаш асосида мавжуд тенденция ва муаммоларни аниқлаш;

мева-сабзаёт маҳсулотлари экспорт самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни баҳолаш асосида умумлашган хулосалар тайёрлаш;

тармоқда халқаро стандартларни жорий этиш тизимини рақамлаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

ЖСТга аъзолик шароитида тармоқда халқаро стандартларни жорий этиш жараёнларини мувофиқлаштириш йўллариини ишлаб чиқиш;

мева-сабзаётчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмининг истиқбол параметрларини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида республикамизда фаолият кўрсатаётган мева-сабзаётчиликка ихтисослашган хўжалик ва экспортёр корхоналар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** мева-сабзаётчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда халқаро стандартларни жорий этиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида иқтисодий-статистик таҳлил ва гуруҳлаш, сўровнома, эконометрик моделлаштириш, мантиқий ва абстракт фикрлаш, монографик ўрганиш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

аграр тармоқнинг халқаро талабларга мослик даражаси(SMI)ни ва хўжалик субъектлари раҳбар-мутахассисларининг халқаро стандартларга оид билим ва малакаларини индекс усулида баҳолаш бўйича илмий-услубий ёндашув таклиф этилган;

мева-сабзаёт маҳсулотлари экспорти билан боғлиқ асосий омиллар таъсир даражаларини аниқлаш асосида маҳсулотларнинг ҳаракатланиш жараёнлари ва босқичларини кузатувчи махсус ихтисослашган “Traceability” тизимини жорий этиш тартиб-қоидалари, иқтисодий рағбатлантириш механизм ва йўналишлари ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалигида халқаро стандартларни жорий этиш, рақамлаштириш ва мувофиқлаштириш функцияларини бажаришга ихтисослашган “Global GAP” хизмат марказини ташкил этиш ва унинг таркибий тузилмаси асосланган;

халқаро стандартларни жорий этиш асосида мева-сабзаёт маҳсулотлари экспорт ҳажмининг 2030 йилгача истиқбол параметрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

республика қишлоқ хўжалигида халқаро стандартларни жорий этишнинг объектив заруриятини келтириб чиқарувчи ҳолатлар, асосий йўналишлари ва талаблари тизимлаштирилган;

жаҳон мева-сабзаёт маҳсулотлари бозоридаги халқаро стандартлаштириш ва “Global G.A.P.” сертификатлаш тизимини республика қишлоқ хўжалигига жорий этиш босқичлари ва механизмлари тавсия этилган;

мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тизимига тегишли омиллар туркумлаштирилган, улардан самарали фойдаланиш чора-табирларини жорий қилиш асосида фермер хўжаликларида етиштириладиган мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари экспорт ҳажмини ошириш имкониятлари асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** мева-сабзавотчилик соҳасини барқарор ривожлантириш муаммоларига доир илмий-амалий тадқиқотлар олиб борган олимларнинг илмий-назарий ишланмалари ва қарашлари, ўтказилган анкета сўровнома натижалари, Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган монографик ўрганилган тадқиқот объектлари ва экспортёрлар фаолиятига тегишли маълумотларга асосланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт салоҳиятини ошириш, халқаро сифат стандартлари ва ЖСТга аъзо бўлиш тартиб-қоидалари, тамойиллари, афзалликлари ва салбий томонлари бўйича назарий билимларни ривожлантиришга шароит яратиш, келажакда мазкур йўналишни кенг кўламда тизимли, мақсадли ва изчил ривожлантириш муаммоларини чуқур ўрганишга бағишланган махсус тадқиқот ишларида фойдаланиш имкониятини яратиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган муҳим хулоса ва тавсиялардан мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт ҳажмини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчи субъектлар ва экспортёрларнинг халқаро стандартларни жорий этиш кўникмаларини яратишга қаратилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқишга ёрдам бериши, шунингдек, олий ўқув юртларида “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Агробизнесни ташкил этиш ва бошқариш” каби фанлар бўйича ўқув дастурлари ва қўлланмаларини тайёрлаш, махсус курсларни ўқитиш ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Халқаро стандартлар асосида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари экспорт имкониятларини оширишнинг йўналишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аграр тармоқ ривожланишининг халқаро талабларга мослик даражаси ва мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи фермерларнинг халқаро стандартларга оид билимларини баҳолаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги билим ва инновациялар маркази ҳамда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши тизим таш-килотларига амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги билим ва инновациялар марказининг 2024 йил 21 декабр 05/06-02-1106-сон, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг 2024 йил 3 декабрь 01/03-1490/АХ-сон маълумотномалари). Ушбу услубий ёндашув фермерларнинг халқаро стандартлар ва сертификация бериш тартиб-қоидалари бўйича билим ва амалий кўникмаларини баҳолаш имконини беради;

мева-сабзавот маҳсулотлари экспортига боғлиқ омилларнинг таъсир даражаларини аниқлаш асосида “Global GAP” сертификатини ва “Traceability”

тизимини жорий этиш механизмлари ва уни рағбатлантириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги билим ва инновациялар маркази ҳамда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши тизим ташкилотларига амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги билим ва инновациялар марказининг 2024 йил 21 декабр 05/06-02-1106-сон, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг 2024 йил 3 декабрь 01/03-1490/АХ-сон маълумотномалари). Фермерларнинг халқаро сертификатга эга бўлиши мева маҳсулотлари экспортини 27,6 фоизга; сабзаёт ва узум экин майдонларининг 1 гектарга ошиши узум экспортини 20,5 фоизга, сабзаёт маҳсулотлари экспортини 0,01 фоизга камайтириши ҳамда лаборатория текширувини амалга ошириш экспортни 22,0 фоизга ошириш имкониятини яратиши асосланган;

қишлоқ хўжалигида халқаро стандартларни жорий этиш тизимини мувофиқлаштиришга йўналтирилган “Global GAP” хизмат марказини ташкил этиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги билим ва инновациялар маркази ҳамда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши тизимлари ташкилотларига амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги билим ва инновациялар марказининг 2024 йил 21 декабр 05/06-02-1106-сон, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг 2024 йил 3 декабрь 01/03-1490/АХ-сон маълумотномалари). Ушбу таклиф ягона мувофиқлаштирувчи тизимни шакллантириш имконини берган ҳолда, фермерлар ва агробизнес субъектларига техник-технологик ёрдам кўрсатиш, уларнинг билим ва малакаларини ошириш, фаолиятларини тизимли ва самарали ташкил этиш асосида фермер хўжаликлари экспорт салоҳиятини ошириш имкониятларини яратади;

мева-сабзаёт маҳсулотлари экспортининг 2030 йилгача бўлган истиқбол параметрлари бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги билим ва инновациялар маркази ҳамда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши тизим ташкилотларига амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги билим ва инновациялар марказининг 2024 йил 21 декабр 05/06-02-1106-сон, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг 2024 йил 3 декабрь 01/03-1490/АХ-сон маълумотномалари). Қўлланилган эконометрик модел ёрдамида республика миқёсида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти, хусусан, (i) сабзаётлар ва баъзи истеъмолга яроқли бўлган илдизли мевалар ва қулупнай мевалари, (ii) истеъмол қилинадиган мевалар ва ёнғоқлар, цитрус мевалари ёки қовун пўстлоғи, (iii) сабзаётлар, мевалар, ёнғоқлар, ўсимликлар ва уларнинг бошқа қисмларини қайта ишлашдан тайёрланган маҳсулотлар бўйича прогноз параметрлари ишлаб чиқилган. Унга кўра, (i) таркибидаги маҳсулотлар экспорти қиймати 2030 йилда 2023 йилга нисбатан 38 фоиз, (ii) таркибидаги маҳсулотлар экспорт қиймати 37 фоиз ва (iii) турдаги маҳсулотлар экспорти қиймати 48 фоизга ошиши башорат қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича асосий ғоя ва натижалар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган нашрларда жами 20 та, шундан 12 та илмий мақола ва 8 та тезислар чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 131 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги асосланган ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Қишлоқ хўжалигида халқаро стандартларни жорий этишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланиб, “стандарт”, “халқаро стандартлар” атамаларини махсус ҳужжатлар ҳамда илмий ёндашувлар таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигида халқаро стандартларни жорий этишнинг объектив зарурияти ва тамойиллари асосланган. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти рақобатбардошлигини оширишда халқаро стандартларнинг ўрнига баҳо берилгани ҳолда уларни жорий этиш талаблари тизимлаштирилган. Шунингдек, аграр тармоқнинг халқаро талабларга мослик даражасини баҳолаш бўйича услубий ёндашув таклиф этилган.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан дунё аҳолисини таъминлашда глобал савдо муносабатлари, технологик тараққиёт, экологик барқарорлик ва ижтимоий ҳимоя каби мураккаб ва ўзаро боғлиқ омиллар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай шароитда таъминот занжирларининг барқарорлиги ва узлуксизлиги, маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлигини таъминлаш мезонлари қишлоқ хўжалигининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини белгилаб берувчи ҳал қилувчи омиллардан саналади. Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг халқаро миқёсда эркин айрибошланишини таъминлаш жараёнида уларнинг сифат, хавфсизлик ва техник рекламентага мослиги жаҳон стандартларига риоя қилиш мажбуриятини юкламоқда. Зеро, “... сўнгги йигирма йил мобайнида

глобал қиймат занжирига кириш шартлари озиқ-овқат саноатида қатъий стандартларни қабул қилиниши сабабли анча ўзгарди”<sup>6</sup>.

Илмий манбалар таҳлили кўрсатишича, қишлоқ хўжалиги, хусусан мева-сабзавотчилик соҳасида маҳсулотларга қўйиладиган стандартлар – бу фақат маҳсулот сифатига оид мезонлар тўплами эмас, балки инсон саломатлиги ва атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлашга қаратилган экологик-санитар талаблар мажмуидир. Чунки, аграр ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган агрохимикатларнинг қолдиқ миқдори нафақат маҳсулот сифатига, балки атроф-муҳитга, яъни тупроқ, ҳаво ва сув экотизимларига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, ушбу стандартлар турли мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан белгилаб берилган меъёрлар асосида ишлаб чиқилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан тортиб, қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш ва реализация қилишгача бўлган барча босқичларда қўлланилади. Мазкур жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун халқаро стандартлар доирасида қўйиладиган талабларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин (1-расм).

---

<sup>6</sup> С.К.Эшматов. Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш йўналишлари: дисс. ... и.ф.н. Т.: 2021 й. – 191 б.

<b>Мева-сабзавотчилик тармоғида халқаро стандартларни жорий этишда қўйиладиган талаблар гуруҳи ва моҳияти</b>	
<b>Қўйиладиган</b>	<b>Моҳияти</b>
<b>Маҳсулот сифати ва хавфсизлиги</b>	<i>Маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришидан тортиб истеъмолчигача бўлган барча босқичларида сифат ва хавфсизлик назорат қилинади</i>
<b>Атроф-муҳит муҳофазаси</b>	<i>Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва сув ресурсларини тежаш асосий талаблардан биридир. Кимёвий моддалардан фойдаланишни чеклаш талаб этилади</i>
<b>Ишчиларнинг саломатлиги ва хавфсизлиги</b>	<i>Ишчиларни кимёвий моддалар ва зарарли шароитлардан ҳамда уларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш талаб этилади. Уларнинг адолатли иш ҳақи олишлари, хавфсиз меҳнат шароитларига эга бўлишлари керак</i>
<b>Барқарорлик ва самарадорлик</b>	<i>Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда атроф-муҳитга минимал таъсир кўрсатиши, барқарор технологиялардан фойдаланиши, ресурслардан самарали фойдаланиши талаб қилинади</i>
<b>Сертификатлаштириш ва стандартлаштириш</b>	<i>Global G.A.P. ва Organic Standards каби халқаро стандартларга мувофиқ бўлишлик ҳамда маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослиги ва истеъмолчиларга тўғри маълумот тақдим этиши учун тўғри маркировка қилиниши талаб қилинади</i>

**1-расм. Мева-сабзавотчилик тармоғида халқаро стандартларни жорий этишда қўйиладиган талаблар<sup>7</sup>**

Жаҳон мева-сабзавотчилик бозорида энг кўп ишлатиладиган халқаро стандартлардан бири, бу Global GAP стандарти саналади. Чунки, ушбу стандарт “... қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар субъектларига, маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги барча технологик жараёнларни рўйхатдан ўтказиш талабини қўйиб, маҳсулотни ишлаб чиқаришдан истеъмолчига етгунга қадар барча босқичларда ўз талаблари ва чекловларини ўрнатганлиги билан тавсифланади”<sup>8</sup>.

Мазкур шароитда ҳудудларда аграр сектор субъектларининг халқаро стандартларга мослик даражасини тизимли баҳолаш, доимий мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириб бориш зарурати юзага келмоқда. Зеро, ҳудудлар даражасида тармоқ субъектларини халқаро талабларга мослик ҳолати, уларнинг халқаро сертификатлаш талаблари бўйича билим ва амалий кўникмалари

<sup>7</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

<sup>8</sup> Д.Батырова. Международный стандарт Global GAP: требования для сертификации производства плодоовощной продукции/Д.Ботирова, К.Нуриддинов. – Ташкент: Vakrtia, 2017. – 32 с. асосида муаллиф ишланмаси.

мавжудлиги ёки етишмаслиги тармоқни технологик модернизация қилиш, экспорт географиясини кенгайтириш ҳамда инвестицияларни жалб этишга доир стратегик қарорлар қабул қилишда муҳим асос вазифасини ўтайди. Шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот доирасида аграр тармоқ субъектларининг халқаро талабларга мослик даражасини баҳолашга қаратилган махсус услубий ёндашув Standard Matching Index (SMI) – индекси таклиф этилди. Ушбу ёндашувнинг алгоритмик кўриниши 1-жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал.

#### Аграр тармоқнинг халқаро талабларга мослик даражасини баҳолаш индекси (SMI) алгоритми<sup>9</sup>

$SMI = \frac{CS + PS + VS}{CR}$	SMI – халқаро стандартларга мослик индекси; CS – сертификатланган субъектлар улуши; PS – талаб қилинадиган халқаро стандартларга мос амалда жорий этилган стандартлар улуши; VS – халқаро стандартлар бўйича текширувдан муваффақиятли ўтган субъектлар улуши; CR – қамров даражаси	
$CS = \frac{N_{cert}}{N_{total}} * 100$	Ncert – сертификат олган хўжаликлар сони, та Ntotal – жами қишлоқ хўжалиги корхоналари сони, та	
$PS = \frac{S_{impl}}{S_{req}} * 100$	Simpl – амалда жорий этилган стандартлар сони (НАССР, GLOBALG.A.P.), та Sreq – экспорт бозорлари талаб қиладиган маҳсулотларга тегишли умумий стандартлар сони, та	
$VS = \frac{N_{valid}}{N_{cert}} * 100$	Nvalid – мустақил халқаро аудиторлар томонидан текширилиб, ижобий баҳо олган субъектлар сони, та	
$CR = \frac{N_i}{E_{tot}} * 100$	Ni – i-чи халқаро стандартга мос келадиган субъектлар сони, та Etot – сертификат билан экспорт қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар жами сони, та	
<b>Халқаро стандартлаш талабларига мослик даражасини баҳолаш мезонлари</b>		
<b>Даража</b>	<b>SMI (%)</b>	<b>Мазмуни</b>
Минимал мослик	0–20	Халқаро стандартларни жорий этишдан узоқ, экспортга тайёр эмас
Базавий мослашув	21–50	Базавий мослик мавжуд, лекин яхшилаш зарур
Мўътадил мослашув	51–75	Мўътадил даражада мослашган, экспорт имконияти юқори
Юқори даражада мослашган	76–100	Халқаро талабларга тўлиқ мос, экспортга тайёр

Умуман олганда, мазкур услубий ёндашувни амалиётга жорий этилиши ҳудудлардаги аграр тармоқ субъектларининг халқаро стандартларга мослик даражасини аниқ, тизимли ва холис баҳолаш имконини яратади. Бу эса,

<sup>9</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

пировардида, кишлок хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва экспортёр субъектларни мақсадли тарзда қўллаб-қувватлаш, сертификация жараёнларини рағбатлантириш ҳамда соҳада инвестициявий жозибаторликни ошириш имконини беради.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш ва уни экспорт қилиш имкониятлари”** деб номланган бўлиб, унда мамлакатда мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш билан боғлиқ жараёнлар комплекс баҳоланган. Хусусан, тармоқдаги ишлаб чиқариш динамикаси ва ташқи савдо баланси кўрсаткичлари асосида мавжуд тенденциялар ва муаммолар аниқланган. Шу билан бирга, тармоқ субъектларининг халқаро стандартлар бўйича билим ва амалий кўникмалари, шунингдек, экспорт салоҳиятига таъсир этувчи асосий омиллар таҳлил қилинган ва уларнинг таъсир даражалари баҳоланган.

Мамлакатимизда 2010-2023 йиллар давомида мева-сабзавотчилик тармоғининг ривожланиш динамикаси таҳлил қилиниб, қуйидаги асосий тенденциялар аниқланди:

– мева-сабзавот маҳсулотлари ялпи ҳосилининг ўсиши асосан экин майдонларини экстенсив усулда кенгайтириш ҳисобига таъминланган. Бу ўсиш экин майдонларининг самарадорлиги эмас, балки уларнинг майдон жиҳатидан кўпайтирилиши орқали амалга оширилганлигини кўрсатади.

– экин майдонларини диверсификация қилиш жараёнида мева ва резаворлар таркибидаги айрим мевалар бўйича фарқли тенденциялар кузатилган. Жумладан, олма, лимон, олхўри ва гилос каби мевалар етиштириш ҳажми ўсган бўлса, беҳи, ўрик ва хўжағат каби маҳсулотлар бўйича пасайиш қайд этилган. Шу билан бирга, барча асосий сабзавот турлари бўйича етиштириш ҳажми ўсган. Картошка маҳсулоти бўйича умумий ўсиш қайд этилган бўлса-да, уруғчилик мақсадида ажратиш ҳисобига ҳосилдан фойдаланиш ҳажми нисбатан камайган.

– таркибий ўзгаришлар натижасида аҳолининг мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминланганлик даражаси тиббий тавсия этилган меъёрларга нисбатан яхшиланган. Шу билан бирга, маҳсулот турлари ва ҳажмларининг диверсификацияси ташқи бозорлар учун мослашувчан экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилган. Ушбу тенденциялар мамлакатда аграр сиёсатнинг мақсадли равишда йўналтирилаётганини, ички истеъмол билан бир қаторда ташқи бозорларга чиқиш имкониятлари ҳам кенгайиб бораётганини кўрсатади.

– юқоридаги ижобий динамик ўзгаришлар натижасида, 07-код гуруҳига кирувчи сабзавотлар, истеъмолга яроқли илдизли маҳсулотлар ва қулушнай мевалари экспорти 180 фоизга ўсди. Бироқ, 08-код гуруҳига мансуб – истеъмол қилинадиган мевалар, ёнғоклар, цитрус мевалар ва қовун пўстлоғи маҳсулотлари экспорти қиймати 30 фоизга камайгани кузатилди. Бундай пасайиш мазкур маҳсулотлар импортининг 27 баробаргача ошиб кетгани билан изоҳланади.

– қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари (20-код гуруҳи) бўйича ҳам экспорт-импорт балансининг салбий тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан,

ушбу маҳсулотларни қайта ишлаш натижасидаги экспорт қийматида 2,7 марта ўсиш қайд этилган бўлса-да, импорт ҳажмида 21,2 марта ортиши каби кескин номутаносиблик мавжуд.

Қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ўсиши билан бирга уларнинг импорти ҳам кескин ортишига қуйидаги иқтисодий, ижтимоий ва техник омиллар асосий сабаб бўлмоқда, деб ҳисоблаймиз:

– мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлашга мўлжалланган инфратузилманинг етарлича ривожланмагани, соҳада замонавий технологиялар (вакуумли қуритиш, пастеризация ва бошқалар) бўйича мутахассис кадрларнинг танқислиги натижасида рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятлари чекланмоқда;

– ташқи савдо сиёсатида қайта ишланган маҳсулотларга нисбатан самарали бозор механизмлари ва рағбатлантирувчи инструментлар (субсидиялар, солиқ имтиёзлари)нинг камлиги, хом ашёни экспорт қилишга кўпроқ имтиёз берилиши импортерларга нисбатан устунликни юзага келтирмоқда;

– ўрта ва юқори даромадли аҳоли қатлами улушининг ўсиши, қишлоқ ҳудудларининг “шаҳарлашуви”, аҳоли, хусусан ёшлар ўртасида тайёр истеъмол маҳсулотлари, брендлашган, халқаро стандартларга мос қуритилган, консервланган ёки шарбатли маҳсулотларга бўлган талабнинг кучайиши ички бозорда импорт маҳсулотларга эҳтиёжни оширмоқда. Демак, ушбу омиллар умумий ҳисобда ички қайта ишлаш саноат корхоналари фаолиятини такомиллаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали ривожлантириш зарурлигини кўрсатади.

Ушбу жараёнда фермер хўжалиқларининг халқаро сертификатларга эга бўлиши, асосан, экспортбоп маҳсулотларни етиштириш ва уларни ташқи бозорларда сотиш имкониятларини кенгайтириш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, Тошкент, Самарқанд ва Андижон вилоятларида жами 832 та мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт билан шуғулланувчи хўжалиқлар ўртасида ижтимоий сўровнома ўтказилди.

Ҳозирги кунда халқаро стандартлар асосида сертификатланган хўжалиқлар фаолиятига доир умумий статистик маълумотларнинг мавжуд эмаслиги ва ушбу жараённи баҳолашда маълум мураккабликлар мавжудлиги муносабати билан, сўровнома натижаларига асосан, сертификатга эга хўжалиқларнинг умумий иқтисодий фаолияти таҳлил қилинди. Жумладан, Андижон туманидаги “Зокиржон мевали боғлар” боғдорчилик фермер хўжалигида 2020 йилга қадар мазкур хўжалик томонидан етиштирилган маҳсулотлар асосан ички бозорда ҳамда арзон нархларда қайта ишловчи корхоналарга сотилганлиги, бироқ 2021 йилдан бошлаб маҳсулотларни фақат экспорт қилувчи компанияларга йўналтириш бошлангани сабабли, хўжалиқнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари сезиларли даражада ошганлигини кўриш мумкин (2-жадвал).

Андижон вилояти Андижон тумани “Зокиржон мевали боғи” боғдорчилик фермер хўжалигида гилос етиштириш иқтисодий самарадорлиги<sup>10</sup>

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			
		2020*	2021	2022	2023
Экин майдони	га	16,3	16,3	16,3	16,3
Ҳосилдорлик	ц/га	79	79,1	85,7	86
Ялпи ҳосил	тонна	128,8	128,9	139,7	140,2
<b>Жами харажатлар</b>	<b>млн. сўм</b>	<b>345</b>	<b>579</b>	<b>769</b>	<b>910</b>
Шу жумладан:					
- иш ҳақи	млн. сўм	28,6	45,1	65,1	88,5
- минерал ўғитлар солиш (соф ҳолда)	млн. сўм	25,2	36,5	47,6	63,8
- маҳаллий ўғит солиш	млн. сўм	20,6	39,9	44,4	65,7
- ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш	млн. сўм	10,2	13,2	18,8	21,9
- ўсимликларни органик ҳимоя қилиш	млн. сўм	17,6	22	31,3	36,5
- ЁММ	млн. сўм	51,8	84,8	103,9	119,6
- механизация харажатлари	млн. сўм	42,9	54,9	78,3	91,3
- СИУ	млн. сўм	0,148	0,185	0,205	0,256
- электр энергия харажатлари	млн. сўм	0,132	0,165	0,182	0,194
- солиқлар	млн. сўм	17,8	19,9	21,9	24,3
- бошқа харажатлар	млн. сўм	130,1	262,7	357,6	398,4
<b>Ялпи маҳсулот қиймати</b>	<b>млн. сўм</b>	<b>579,5</b>	<b>1031,5</b>	<b>1396,9</b>	<b>1682,2</b>
<b>Фойда, зарар (+, -)</b>	<b>млн. сўм</b>	<b>234,4</b>	<b>452,1</b>	<b>627,6</b>	<b>771,7</b>
<b>Рентабеллик даражаси</b>	<b>%</b>	<b>68</b>	<b>78</b>	<b>82</b>	<b>85</b>
1 т. маҳсулотни ўрғача сотиш баҳоси	минг сўм	4 500	8 000	10 000	12 000

Шунингдек, ўтказилган сўровномада халқаро сертификатга эга бўлиш жараёнлари ва уларнинг хўжалик фаолиятига таъсирини баҳолаш мақсадида, фермер хўжаликлари фаолияти учун долзарб ва ўзига хос жиҳатларни қамраб олган 9 та асосий йўналиш танлаб олинди.

Тадқиқот натижаларига кўра, сўровда иштирок этган фермер хўжаликлари вакилларининг 66,3 фоизи “Фермерларнинг халқаро сертификатга эга бўлиши тупроқ унумдорлигини оширади” деган фикрга ижобий муносабат билдирган. Бу ҳолат шундан далолат берадики, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда агротехнологик тадбирларни белгиланган меъёр ва муддатларда

<sup>10</sup> “Зокиржон мевали боғи” боғдорчилик фермер хўжалиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

амалга ошириш ҳосилдорлик ва маҳсулот сифатини оширишда муҳим омил сифатида қаралади. Акс ҳолда, бундай тадбирларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги маҳсулотнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, тадқиқотда фермерлар халқаро сертификатга эга бўлиш жараёнини агротехнологик тадбирларни ўз вақтида амалга оширишга рағбатлантирувчи омил сифатида баҳолаганлар. Хусусан, сўровда иштирок этганларнинг 69,2 фоизи халқаро сертификатга эга бўлиш агротехнологик тадбирларни ўз вақтида амалга оширишга ундайди, деб ҳисоблаган. Бундан келиб чиқадики, сертификатлаштириш жараёни фақатгина маҳсулот экспорти учун талаб этилувчи шарт эмас, балки умумий агротехник маданиятни юксалтиришда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Халқаро сертификатга эга бўлишнинг хўжалик фаолиятига таъсирини баҳолашда фермерларнинг билим даражасини аниқлаш мақсадида, аввало, мазкур масала юзасидан уларнинг билим ва кўникмаларини ифодаловчи 9 та ўзгарувчи белгиланди ва ҳар бир респондентнинг жавоблари асосида умумий балл йиғиндиси шакллантирилди.

$$FXSB = \frac{tu+at+mu+ou+zs+rsf+do+ichr+mso}{UXISS}, \quad (1)$$

Бунда:  $FXSB$  – фермернинг халқаро сертификатга эга бўлиши хўжалик фаолиятига қандай таъсир этишини ифодаловчи ўзгарувчилардан ҳосил бўлган коэффицент;  $UXISS$  – умумий хусусиятни ифодаловчи жами ўзгарувчилар сони.

Бунда, қайсики фермернинг умумий бали 9 га интилиши “... халқаро сертификатга эга бўлиш хўжалик фаолиятига қандай таъсир кўрсатишини тўғрисида юқори билимга эга...”лигини ифодалайди. Умумий олганда, Яширин гуруҳ таҳлил модели таҳлиллари куйидаги формула орқали ифодаланилди:

$$P[Y_i = y_i | X_i = x_i] = \sum_{c=1}^K \gamma_{c_i}(X_i) \prod_{m=1}^M \prod_{r_m=1}^{R_m} \rho_{mr_m|c}^{I(y_m=r_m)}, \quad (2)$$

Бу ерда:  $Y$  – умумий респондентларнинг мумкин бўлган вектор ифодасининг жавоб шакли;  $y$  – маълум бир респондентнинг жавоб намунасини ифодалайди;  $X$  – умумий ўзгарувчиларнинг вектор ифодаси;  $x$  – маълум бир ўзгарувчининг вектор ифодаси;  $c$  – гуруҳлар;  $\gamma$  –  $c$  чи яширин гуруҳга аъзолик эҳтимоли;  $r_m$  ( $r_m = 1, 2, 3, \dots, r_m$ ) – ўзгарувчилар варианты;  $m$  ( $m = 1, 2, 3, \dots, M$ ) – ўзгарувчиларнинг гуруҳ кўрсаткичи;  $\rho_{mr_m|c}^{I(y_m=r_m)}$  – ўзгарувчиларнинг гуруҳ кўрсаткичига ( $m$ ) вариант эҳтимоли ( $r_m$ ) гуруҳ аъзолик шarti ( $c$ ) билан.

Таҳлил натижаларига кўра, респондент фермерларнинг 56,7 фоизи халқаро сертификатлашга оид билим даражаси “паст” гуруҳга тўғри келади. Қолган 43,3 фоизи эса “юқори” билимга эга деб баҳоланган. Бирок, яширин гуруҳ таҳлил модели (Latent Class Analysis, Gaussian ёндошув) асосида фермерларнинг билим даражасини аниқ 0 ва 1 оралиғидаги коэффицент кўринишида “паст” ёки “юқори” билимли деб аниқ белгилаш имконсиз. Шунинг учун мазкур ҳолатда ҳар бир фермернинг маълумотлари асосида аниқланган эҳтимолий коэффицентлар орқали унинг қайси билим гуруҳига мансублигини формула орқали баҳолаш зарур бўлади.

Яширин гуруҳ таҳлил модели натижаларига кўра, 1-группа (яъни, “паст” билим гуруҳи)га кирувчи фермерларнинг халқаро сертификатлашга оид билим даражаси 0 дан 0,555 гача бўлган коэффицент оралиғида шаклланган. Бу дегани, фермернинг халқаро сертификатга эга бўлишнинг фаолиятга таъсирини ифодаловчи интеграл баҳоси  $0 < \text{коэффицент} \leq 0,555$  доирасида бўлса, у “паст” билимли деб баҳоланади. Шу билан бирга, агар ушбу коэффицент  $0,556 < \text{коэффицент} \leq 1$  оралиғида шаклланган бўлса, фермер халқаро сертификатлашга оид “юқори” билим даражасига эга деб ҳисобланади

Маълумки, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини баҳолашда, аввало экспортга таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир даражасини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан, диссертацияда фермер хўжалиklarининг мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятларига таъсир этувчи омиллар баҳоланди. Шу мақсадда тартибли логит модели (Ordered Logit Model) қўлланилди. Тадқиқотда экспорт ҳолати сифат жиҳатидан баҳоланиб, фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш даражаси 5 та тартибли категория асосида моделлаштирилди.

Ologit моделининг умумий кўриниши кўйидагича<sup>11</sup>:

$$\Pr(\text{outcome}_j = i) = \Pr(k_{i-1} < \beta_1 x_{1j} + \beta_2 x_{2j} + \dots + \beta_k x_{kj} + u_j \leq k_i), \quad (3)$$

Бунда:

$u_j$  – тартибланган logit;  $\beta_k$  – мумкин бўлган қийматлар коэффиценти;

$k$  – мумкин бўлган қиймат,  $k_0 = -\infty$ ,  $k_k = +\infty$  сифатида қабул қилинади;

$x_k$  –  $k$  қийматдаги мустақил ўзгарувчи.

Тадқиқотда қўлланилган модел орқали фермерлар томонидан етиштирилган маҳсулотларни экспорт қилишга таъсир этувчи омилларга иқтисодий баҳо берилди. Хусусан, фермер хўжалиklари томонидан меваларни экспорт қилишда уларнинг халқаро сертификатга эга бўлиши фаолиятга қандай таъсир кўрсатишига доир билими 1 фоизлик аҳамият даражасида статистик жиҳатдан муҳим омил сифатида аниқланди. Модель натижаларига кўра, ушбу билим кўрсаткичининг бир бирликка ошиши мевалар экспорти эҳтимолини ўртача 27,6 фоизга кўпайишига олиб келиши аниқланди (3-жадвал).

**3-жадвал.**

**Фермер хўжалиklarида мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари экспортига таъсир этувчи омилларни иқтисодий баҳолаш таҳлил натижалари<sup>12</sup>**

Ўзгарувчилар	Мева	Сабзавот	Узум
	Коэф. (ст.хато) муҳ.	Коэф. (ст.хато) муҳ.	Коэф. (ст.хато) муҳ.
Стандартларга оид билим	1.276 (.366) **	1.021 (.233) **	1.121 (.267) **
Экин майдони	1.018 (.012)	.999 (.009) ***	1.205 (.063) ***
Касалликларга чидамли	7.063 (2.53) ***	1.669 (.253) ***	2.15 (.541) ***

<sup>11</sup> Scott Long J. Regression models for categorical and limited dependent variables //Advanced quantitative techniques in the social sciences. – 1997. – Т. 7.

<sup>12</sup> Сўровнома натижалари асосида тузилган.

уруғлик ва кўчатлардан фойдаланиш			
Лаборатория текширувидан ўтказиш	1.22 (.278) **	1.854 (.357) ***	1.413 (.287) **
Тупроқ таҳлилини амалга ошириш	1.293 (.219)	1.04 (.136) **	1.755 (.112) *
Жинси	.692 (.383)	1.607 (.784) *	.334 (.166) **
Pseudo r-squared	0.271	0.376	0.181
Number of obs	832	832	832
Prob > chi2	0.000	0.000	0.000

\*\*\*  $p < .01$ , \*\*  $p < .05$ , \*  $p < .1$

Шунингдек, фермер хўжаликларининг экспорт соҳасидаги билим даражаси сабзавот ва узум маҳсулотларини ташқи бозорга чиқаришда ҳам статистик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу билим кўрсаткичи 5 фоизлик аҳамият даражасида сезиларли таъсирга эга. Гарчи фермер хўжаликлари асосан ички истеъмол учун маҳсулот етиштиришга йўналтирилган бўлса-да, уларнинг маҳсулотни экспорт қилиш борасидаги имкониятлари чекланган. Бу ҳолат, аввало, фермерларнинг маҳсулотни халқаро стандартлар ва сифат талабларига мувофиқ етиштириш юзасидан етарли билим ва кўникмаларга эга эмаслиги, ёки ушбу талаблардан хабардор эмаслиги билан изоҳланади.

Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотлар ҳажми, хусусан, экин майдонининг миқдори экспорт ҳажмига таъсир этувчи муҳим экстенсив омил ҳисобланади. Таҳлил натижаларига кўра, фермер хўжаликларидаги экин майдонлари ҳажми (см) сабзавот ва узум маҳсулотлари экспортида 1 фоизлик даражада статистик аҳамиятга эга. Хусусан, экин майдонларини 1 гектарга ошириш узум экспортини 20,5 фоизга оширади, сабзавот экспортида эса 0,01 фоизга пасайиш кузатилади. Ушбу ҳолат янги узумзорларни ташкил этиш экспорт ҳажмини кўпайтиришда ижобий аҳамиятга эга эканлигини, сабзавотчиликда эса экин майдонларини кенгайтириш самарадорлигини қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Мева экспортида эса экин майдонлари ҳажмининг таъсири статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас.

Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда серҳосил ва касалликларга чидамли уруғлик ва кўчатлардан фойдаланиш маҳсулот сифатини ошириш орқали экспортга ижобий таъсир кўрсатади. Таҳлил натижаларига кўра, ушбу омил барча турдаги маҳсулотлар бўйича 1 фоизлик даражада статистик муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, лаборатория текширувларининг мавжудлиги ҳам экспорт имкониятларини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, фермерлар томонидан етиштирилган меваларни лаборатория текширувидан ўтказиш 5 фоизлик даражада статистик аҳамиятга эга бўлиб, бу кўрсаткич мевалар экспортини ўртача 22,0 фоизга ошириши мумкинлигини кўрсатади. Бундан ташқари, тупроқ таҳлилини доимий равишда амалга ошириш, айниқса, сабзавотчилик йўналишида, экспорт ҳажмига ижобий таъсир кўрсатади. Яъни, фермер хўжаликлари томонидан ҳар йили амалга ошириладиган тупроқ таҳлили

сабзавот экспортини 0,4 фоизга оширади ва бу 5 фоизлик даражада статистик аҳамият касб этади.

Умуман олганда, мамлакатда мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари экспорт салоҳияти юқори бўлиб, уни янада ривожлантириш учун фермерларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, сифатни назорат қилиш инфратузилмасини кенгайтириш ва хизмат кўрсатиш соҳалари самарали ташкил этиш талаб этилади.

